Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 3 май • сешанба № 17 (1013)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Рене ДЕКАРТ (1596-1650)

Бизни инсон қиладиган ягона нарса бу ақлдир.

* * *

Сўзларни тўғри ишлатинг, шунда дунёни тушунмовчиликларнинг ярмидан қутқарган бўласиз.

* * *

Бировларни ҳурмат қилиш ўзини ҳурмат қилишга имкон беради.

* * *

Яхши китобларни ўқиш — ўтган даврнинг энг зўр фикрларини айтадиган энг илғор одамлари билан суҳбат қилиш демакдир.

* * *

Ортиқча саёҳат қилувчилар ўз Ватанида бегонага айланар.

* * *

Ақлни чархлаш учун ёдлашдан ҳам кўра кўпроқ фикрлаш керак.

Бугуннинг гапи

Хотира — қалб кўзининг қароғи

Келажак авлод йўлининг чироғи

Ислом КАРИМОВ:

Ҳар қайси халқ миллий қадриятларини ўз мақсад-муддаолари, шу билан бирга, умумбашарий тараққиёт ютуқлари асосида ривожлантириб, маънавий дунёсини юксалтириб боришга интилар экан, бу борада тарихий хотира масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

ДЕЯРЛИ ҳар куни ишдан, ўқишдан қайтгач кўпчилигимиз телевизор қаршисида вақт ўтказамиз. Тўкин дастурхон бошида ҳам кўзимиз телевизорда бўлади. Келинг, баъзи-баъзида тарки одат қилиб, оила аъзоларимиз жамулжам бўлганда, болаликда кўрган-кечирган воқеаларни, халқимиз бошига тушган оғир кунларда донишманд ота-боболаримиз, жонсарак момоларимиз жасоратини ёдга олиб, улар ҳақида ўғил-қизларимизга сўзлаб берайлик. Сизнинг ҳикоянгизни улар жон қулоғи билан тинглашлари тайин. Шу аснода ҳам кўнглингиз кўтарилади, руҳингиз енгил тортади. Аҳён-аҳёнда дам олиш кунлари ота-она, узоқ-яқин қариндош ёки бемор ётган таниш-билишлар ва кексаларни бир зиёрат қилинг. Бу хайрли иш қалбингизни, руҳиятингизни тозалайди. Кейинги дам олишгача кунларингиз унумли, ишларингиз баракали ўтганига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Зеро, хотирасиз келажак йўқ деганларидек, одамийликнинг энг олий таомилларидан бири бўлган хотира — инсоннинг маънавий дунёси, ақл-идрок ва тафаккури, шу билан бирга куч-қудратининг сарчашмаси, дейиш мумкин.

Тарихий манбаларда айтилишича, қадимда ўзга юртни босиб олган босқинчилар жой аҳолисини буткул қул қилиш учун, биринчи навбатда, уларнинг хотирасини йўқ қилишга уринганлар. Турли ваҳшиёна қийноқлар билан асирларнинг хотирасини буткул сиқиб чиқарганлар. Ўзлигини, кимлигини унутган маҳбуслар гўёки, онадан қул бўлиш учун туғилгандек, буткул мутега айланишган. Улар учун ота-она, элу юрт, ёру биродарлар, инсоний қадр-қиммат сўзининг ҳеч бир маъно, маъниси йўқ.

Шу ўринда, таниқли адиб Чингиз Айтматовнинг "Асрни қаритган кун" романидаги Найман уруғининг жасур, мерган йигити душманлар томонидан асирга олиниб, манқурт қулга айлантирилиши воқеасини эслайлик.

Афсонанинг бош қаҳрамони Найман она ёлғиз ўғлини жангга юрт шаъни, оила ор-номуси учун юборган ҳақиқий миллат аёли. У ватан учун курашиб ҳалок бўлган ўғлидан фахрланса-да, дилбандининг жасадини ҳеч ким ўз кўзи билан кўрмагани, тупроққа қўймагани сабабли, кўнглида "болам тирик", деган яширин бир илинж билан яшайди. Қўноқ савдогарларнинг Сариўзак даштидаги ёш манқурт туябоқар ҳақидаги гап-сўзларини ногаҳон эшитган Найман она ўйлаб ўтирмай ажал домига, Сариўзак даштига йўлга тушади. Она қалби адашмайди, кимсасиз чўлда туяларни боқиб юрган афтодаҳол қул бир вақтлар ҳамма ҳавас қилган, алп қоматли ботир ўғли эди. Муштипар она чексиз қувонч, ҳадсиз шукроналик билан ўғлига талпинади. Бироқ инсоннинг инсонлигини асослайдиган, уни тафаккур қилиб яшашга ундайдиган инсонгагина хос олий неъмат — хотирани йўқотишдек, одамни

2

Фаолият

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – устувор вазифа

ҲУҚУҚИЙ демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятининг бош мақсади, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, унинг қонуний манфаатларини таъминлашдир. Шу боис ривожланган демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан бораётган Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган халқаро демократик принцип ва нормаларга тўла жавоб берадиган миллий қонунчилик тизими вужудга келди, бу борада муайян миллий институтлар шаклланди. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган шундай институтлардан бири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳисобланади. 1995 йил 23 февралда Олий Мажлис сессиясида Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) лавозими таъсис этилди. Ўтган 20 йил мобайнида мазкур институт фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклаш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга кўмаклашиш, фуқаролик жамияти шароитида муҳим аҳамият касб этадиган аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида самарали фаолият кўрсатиб келмоқда.

"Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги Қонунга асосан Вакил давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини олиб боради. Шунингдек, мазкур Қонунга мувофиқ Вакил ҳар йили ўзининг фаолияти юзасидан парламент палаталарига ҳисобот тақдим этади.

Шунга кўра, 2016 йил 31 мартда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2015 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи эшитилди.

Газетамизнинг мазкур сонида берилаётган давра суҳбатида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2015 йилда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини таъминлаш юзасидан амалга оширган ишлари билан яқиндан танишасиз.

3

Тадбир

Юридик ёрдам кўрсатиш фаолияти ва янги лойиҳалар

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди. Унда адлия органларининг фуқароларга юридик хизмат кўрсатиш борасидаги фаолияти, уни янада такомиллаштиришга қаратилган янги лойиҳалар хусусида оммавий ахборот воситалари вакилларига маълумотлар тақдим этилди.

Анжуманда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат органлари, шунингдек, нодавлат ташкилотлари ҳам шуғулланиб келаётган бўлиб, улар ичида адвокатуранинг ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Шу ўринда тадбир қатнашчилари эътиборига бир неча далил ва рақамлар ҳавола этилди. Жумладан, 2015 йил давомида республика адвокатлари томонидан жиноят, фуқаролик ва хўжалик процессида иштирок этиш ва юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида 165 мингдан зиёд битимлар тузилган.

Тадбирда нотариат фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2016 йилнинг 1 июлидан бошлаб нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказишда тест синовлари жорий этилиши белгиланди. Унга кўра, нотариус лавозимига талабгорларнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий, хорижий тиллар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги билим даражасини аниқлаш мақсадида улар тест синовларидан ўтказилади.

Жисмоний ва юридик шахсларга малакали ҳуқуқий хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги ва ҳудудий адлия органларининг расмий веб-сайтларида нотариал ҳаракатлар учун давлат божи, пуллик хизмат ва герб йиғимлари қийматининг автоматлаштирилган ҳисоб-китобини амалга оширишни назарда тутувчи электрон калькулятор дастури яратилди. Унга кўра, жисмоний ва юридик шахслар аниқ нотариал ҳаракатлар бўйича тўловлар миқдори ҳақида олдиндан билиш имконига эга бўлишди.

Энг сўнгги янгилик сифатида вазирлик томонидан тайёрланиб, "Адолат" нашриётида чоп этилган "Нотариал ҳаракатлардан намуналар" тўплами чоп этилди.

Учрашувда журналистларни ФХДЁ ва Нотариат соҳасига ахборот коммуникация технологияларининг жорий этилиши, кадрлар малакасини ошириш, йил дастури ижроси билан боғлиқ саволлар қизиқтирди. Самимий рухда ўтган анжуманда мутахассислар кўтарилган барча масалалар бўйича тегишли маълумотларни тақдим этдилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Бош прокуратурада

Халқаро конференция бўлиб ўтди

ОДАМ савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссия, Бош прокуратура ва Инсон ҳуқуқлари миллий маркази томонидан Миграция бўйича Халқаро Ташкилотининг (МХТ) Марказий Осиёдаги Мувофиқлаштирувчи офиси билан ҳамкорликда ташкил этилган "Одам савдосига қарши курашиш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда Австрия, Албания, Корея, Исроил ва бошқа давлатлардан ташриф буюрган халқаро экспертлар, МХТнинг Мувофиқлаштирувчи офиси вакиллари, прокуратура ва ИИВ органлари, вазирлик, идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ ҳамда халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпуси масъул ходимлари иштирок этдилар.

Тадбир давомида, одам савдоси инсониятга хавф туғдирувчи, тобора уюшган трансмиллий ва глобал тусга эга бўлаётган, халқаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни талаб этувчи офат эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, жаҳон ҳамжамиятида бўлганидек, Ўзбекистон учун ҳам одам савдосига қарши курашиш мамлакат хавфсизлигини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида зарур чора ҳисобланиши қайд қилинди.

Конференцияда Ўзбекистонда одам савдосига қарши курашиш аҳволи ва бу борада кўрилаётган чоралар хусусида маълумот берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси томонидан амалга оширилаётган чоралар, аввало, ушбу салбий ҳодисага қарши курашга қаратилган асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилиш ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий базанинг яратилишида намоён бўлмоқда. Бундан ташқари, 2008 йилда **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди, одам савдосига қарши курашиш борасида давлат органларининг ҳамкорлигини ва фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Қарори билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссия ташкил этилди, ҳудудий идоралараро комиссиялар тузилиб, фаолият кўрсатмоқда.

Ҳаракат режаларини бажариш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар юзасидан таъқиб қилиш ва уларни олдини олиш бўйича фаолияти кучайтирилди, ахборот-тарғибот тусдаги тадбирлар амалга оширилди. Одам савдосидан жабр кўрган шахслар ташкил этилган Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказида реабилитация хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. Ички ишлар вазирлиги тизимида одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус таркибий тузилма ташкил этилди.

Тадбирда хорижий экспертлар иштирокчиларни Европа ва Осиё давлатларида одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш механизмлари, халқаро ва миллий ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шунингдек, амалиётчилар учун ташкил этилган таълим тадбирлари билан таништирдилар.

Халқаро экспертлар ўз чиқишларида мамлакатда одам савдосига қарши кураш соҳасида амалга оширилган ишларни юқори баҳолаб, келгусида давлат органлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро алоқаларини янада кучайтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш заруллигини таъкидладилар.

Халқаро конференция якунида миллий қонунчилик ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати

Хотира — қалб кўзининг қароғи,

Келажак авлод йўлининг чироғи

(Давоми. Боши биринчи бетда)

ўзлигидан маҳрум қилишдек жирканч қабоҳатга қўл урган, одамийлик таомилларини оёқости қилган бешафқат кимсалар ўғлини манқуртга — хотирасиз, ўтмишсиз, идроксиз вужудга айлантириб қўйишган эди.

Душманларнинг итоаткор қулига айланган манқурт ўғил отган ўқ аниқ мўлжалга — жигарбандининг дийдорига муштоқ волидасининг қоқ юрагига қадалади. Жон талвасасида ётган она сўнгги нафасигача манқурт фарзандининг хотирасини қайтаришга уриниб нола қилади: **"Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Отинг нима? Отангнинг оти Дўнанбой! Дўнанбой! Дўнанбой!"**

Сўзимиз аввалида мазкур тафсилотга тўхталиб ўтишимиз бежиз эмас. "Манқурт" сўзи кўчма маънода ўз насл-насабини, тарихини, аждодларини, ўзлигини ва ўзининг кимлигини билмаган кимсаларга нисбатан айтилади.

Комил инсон таълим-тарбиясида ўзлигини англаш ва тарихий хотира муҳим аҳамият касб этади. Халқимиз босиб ўтган йўл, истиқлол йўлидаги йўқотиш ва қурбонлар, элу юрт озодлиги йўлида жон фидо қилган ота-боболаримизнинг ёркин хотираси, буюк аждодларимизнинг бебаҳо маданий-маънавий мероси ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ўзи туғилиб ўсган муқаддас масканга нисбатан меҳр-муҳаббат ва фидойилик туйғуларини шакллантиради. Президентимиз турли тадбирларда такрор-такрор айтадиган **"Биз киммиз, кимнинг авлодларимиз"**, деган саволларида беқиёс тарбиявий аҳамият мужассам топган. Зеро, хотирасизлик — маънавиятсизлик, ўзликни билмаслик, буюк аждодларимизни англамаслик — манқуртлик демакдир. Хотирасиз инсон турли мақомга йўғрғалайди, ёт таъсирларга берилиб, ёт ақидаларга тобе бўлади. Шунинг учун ҳам "доҳийликка" даъвогар ёвуз шахслардан бири шогирдларига "бирор халқни йўқ қилмоқчи бўлсанг, энг авалло, унинг тарихини, миллий маънавиятини, ўтмиши ва азалий қадриятларини йўқ қилиш лозим", дея уқтиради.

Ҳа, хотира — тенгсиз куч — қудрат ва маънавий озуқа манбаи ҳамдир. Ахир доно халқимиз йигит киши ўзининг етти авлодини билиши шарт эканлигини бежиз уқтирмайди. Аждодлар хотирасини ёдда сақлаш, ота-боболаримиз номини эъзозлаш, ўз тарихини билиш каби азалий қадрият руҳи билан унибўсган ўғил-қизлар қалбида миллий ғурур, фахр-ифтихор туйғулари шаклланиб, туғилиб ўсган жойи, элу юртини ҳимоя қилишга қодир, ор-номусли инсон бўлиб етишади.

Шу нуқтаи назардан истар эдикки, болаларимиз қалбини эрк учун, юрт шаъни ва ватан озодлиги учун жонини аямаган ота-боболаримиз жасорати, дунё тан олган буюк аждодларимиз ҳаёти, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби инсонлар тақдири тўлқинлантирсин.

Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ўзбек халқининг матонати ва жасорати, дунё халқларининг озодлиги ва тинчлигига хавф туғдирган фашизмга қарши беаёв курашда жон фидо қилган боболаримиз хотираси ўғил-қизларимизнинг қалбида мангу муҳрлансин. Зеро, уларнинг хотираси ўғил-қизларимиз таълим-тарбиясида беқиёс аҳамиятга эга, уларнинг эртага қандай инсон бўлиб етишишини белгилайдиган омилдир.

Кўз юмиб бўлмайди, айрим ёшларимизнинг ўз аждодлари тарихини, тилини, миллий қадриятларини билмаслиги, нафақат уларнинг келажаги, тақдири, балки жамиятимиз учун ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Инчунин, бугунги кунда турли бузғунчи ғоялар "оммавий маданият" ниқоби остида, биринчи навбатда, ёшлар маънавиятини эгаллашга ҳаракат қилаётгани кундай равшан бўлиб қолди. Маълумки, "оммавий маданият" таъсирига тушган ёшлар азалий урф-одатларини, анъаналарини, миллийлигини ва ўзлигини унутади. Бир ўйлаб кўринг-а, она алласининг қадр-қимматини туймаган, дунё аҳлини лол қолдирган "Баёт", "Ушшоқ", "Дугоҳ" каби мумтоз қўшиқларимиздан руҳланмаган, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган Самарқанду Бухоро, Хива обидаларидан фахрланмаган, Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва Бобурдан ифтихор туймаган фарзандларимиз келгусида ким ва қандай одам бўлишини тасаввур қилишнинг ўзи даҳшат. Ёшларимиз келажагига чангал солаётган кимсаларнинг "чегарасиз эркинлик", "эркин ахлоқ" борасидаги уйдирмалари ахлоқсизликни тарғиб қилишнинг ўзгинасидир.

Муҳтарам Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек, эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Бу каби хайрли ишлар ўсиб келаётган ёш авлод онгу шуурида тарихий адолатга ишонч ва инсонийлик фазилатларини қарор топтириши, уларнинг маънавий оламини кенгайтиришда катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Дарҳақиқат, "Ёшларимиз эртага ким бўлади, қайси ғоя учун курашади", деган масала ҳар биримизнинг виждонимиз, имон-эътиқодимиз амрига, "Мана шу тупроқ меники, бу ерда ота-боболаримизнинг хоки ётибди. Агар шу мусаффо осмон, шу эркин ҳаёт, мана шу муқаддас Ватанни мен ҳимоя қилмасам, ким ҳимоя қилади?", деган эътиқод ёш авлод таълим-тарбиясининг бош мезонига айланмоғи керак.

Ёшларимиз онгини эгаллаш учун авж олган кураш майдонида фақатгина миллий қадриятларимиз ва маънавиятимиз билангина музаффар бўлишимиз муқаррар. Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда **"тарихий хотирасиз маънавий тараққиёт бўлиши мумкин эмас"**, деган ғоя ўртага ташланиб, "Хотира ва қадрлаш куни" жорий этилиши, неча мингйиллик умумхалқ байрамларимиз қайта тикланиши ва кенг нишонланиши замирида миллий анъана ва қадриятлар тинчлик сиёсати, юрт фаровонлиги, комил инсон таълим-тарбияси каби умуминсоний мазмун билан уйғунлашган.

Халқимиз азал-азалдан ўтган аждодларни муносиб хотирлаб келган. Ота-оналар ўз аждодлари ҳақида болаларига, улар эса, ўз навбатида, кейинги авлодларга сўзлаб берганлар. Эсимда, болалигимда катта бувим ўзининг ота-боболари, қайнота-қайноналари билан боғлиқ воқеаларни қизиқарли қилиб гапириб берардилар. Уларни эшитган сари, бизнинг болалик хотираларимизда бобокалонларимиз, аждодларимиз ҳаёти, уларнинг қандай инсон бўлганликлари ҳақидаги тасаввурларимиз бойиб бораверарди. Шу аснода қалбимизда аждодларимиз билан фахрланиш ҳисси, уларнинг номига, хотирасига гард юқтирмаслик туйғулари шакланди.

Истиқлол шарофати билан азалий қадриятларимиз, бебаҳо маънавиятимиз, гўзал урф-одатларимиз қайта тикланди. Шулар жумласидан "Хотира ва қадрлаш куни"ни нишонлаш борасида бугун юртимизда жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. "Хотира ва қадрлаш куни" аждод-авлодларни бир-бири билан боғлаш, юртдошларимизда меҳр-садоқат, мурувват, ўзлигини англаш, тинч-осойишта ҳаётнинг ва ҳурликнинг қадрига етиш ҳиссини камол топтиришда беқиёс аҳамиятга эга. Мамлакатимизда аждодларимиз хотирасини эъзозлаш борасидаги олижаноб ишларга Юртбошимиз раҳбарлигида Тошкент шаҳри марказида барпо қилинган "Хотира майдони", Бўзсув канали бўйида бунёд этилган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси ҳам яққол мисол бўла олади. Биламиз-ки, ҳар бир хонадон, маҳалла ва туманларда халқимизнинг мард, фидойи фарзандлари, қўплаб ҳурмат-эътиборга сазовор кишилар туғилиб ўсган. Ана шундай табаррук инсонларни хотирлаш, инсоният бошига чексиз кулфат келтирган урушда ҳалок бўлган халқимизнинг мард, фидойи ўғлонларини эҳтиром билан эслаш, мамлакат ичкарисида меҳнат қилган заҳматкаш кексаларнинг ҳолидан хабар олиб туриш ва аждодлар хотирасини эъзозлаш ҳар бир инсоннинг зиммасидаги қарз ва фарздир.

Фарида ҚОРАҚУЛОВА
"Инсон ва қонун" мухбири

[✓ Жараён]

Сайлов

бу ҳар биримиздан фаолликни талаб этади

ХАЛҚИМИЗ қадимдан ўз ҳаёти, турмуш тарзини маҳалладан айрича тасаввур этмаган. Азал-азалдан бу маҳаллий ўзини ўзи бошқариш шакли муайян ҳудудда яшовчи аҳоли манфаатлари, мақсад ва интилишларини бирлаштириб, уларни амалга ошириш йўлида бошини қовуштирувчи, эзгуликларга йўналтирувчи маскан сифатида фаолият кўрсатиб келган. Кўплаб масала-ю муаммолар ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-маърифий марказ ҳисобланган маҳалла гузарида обрў-эътиборли оқсоқоллар иштирокида муҳокама этилиб, энг тўғри, адолатли қарорга келинган.

Мустақиллик йилларида маҳалла институти фаолияти янгича, замонавий мазмун-моҳият касб этди. Хусусан, Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" дастурининг бош йўналишларидан бири давлатнинг бир қатор ваколатларини маҳаллий давлат органларига, жамоат тузилмаларига ва ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топширишдан иборат бўлиб ҳисобланди. Бу жараёнда хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тўлдириш, ижтимоий инфратузилмаларни юксалтириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари, биринчи навбатда, маҳаллий давлат органлари ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши белгиланди.

Шу билан бирга ўтган йиллар давомида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимига оид элликдан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳамда унинг фаолиятини тартибга солувчи иккита қонун қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика ва ҳудудий Кенгашлари тузилганлиги, маҳаллага оид 15 га яқин низомларнинг тасдиқланганлиги мазкур институт ривожида муҳим қадамлардан бўлди. Ушбу қонун ҳужжатлари асосида фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқи ҳисобланган жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишнинг йўлларидан бири сифатида давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш эканлиги белгилиб қўйилди.

2013 йил 22 апрелда **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги ва **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди.

Янги таҳрирда қабул қилинган **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"**ги Қонун билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди, шунингдек, давлат ва жамиятнинг деярли барча соҳаларида маҳалла институтининг ўрни ва роли муҳим эканлиги белгилаб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, янги таҳрирдаги қонунларда ушбу тизим фаолиятини амалга оширишда ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилиши борасидаги тартиб-қоидалар кўрсатилган.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги қонунларга кўра, сайлов жараёнида номзодлар маҳаллий аҳоли ўртасида обрў-эътиборга ҳамда ҳаётий тажрибага эга, фидойи инсонлар орасидан танлаб олинади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ошкоралик, муқобиллик ва тенг сайлов ҳуқуқи принциплари асосида икки ёки ундан кўп номзод кўрсатилган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари икки ярим йил муддатга сайланади. Сайловлар **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"**ги Қонунга биноан ташкил этилади ва ўтказилади.

Сайлов муносабати билан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ташкил этилиб, оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилади.

Айни пайтда юртимизда жорий йилнинг май-июнь ойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бўлиб ўтади. Жойларда ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Жумладан, сайловга кўмаклашувчи комиссияларни шакллантириш ниҳоясига етказилиб, ишчи гуруҳлар тузилмоқда ҳамда раисликка номзодларни рўйхатга олиш жадал давом этмоқда.

Мазкур сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан ишчи гуруҳ тузилиб, улар томонидан фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимга номзодлар бўйича тавсиялар тайёрланиб, аҳоли ўртасида муҳокама ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Бектемир туман ҳокимлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Бектемир туман бўлими, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг Бектемир туман бўлими, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Туркистон" санъат саройи ҳамда Бектемир туман Радио ва телевидение касб-ҳунар коллежида ва пойтахтимизда жойлашган барча маҳаллаларда сайловолди тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

Бундан кўзланган мақсад аҳолининг жамият ҳаётида сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини юксалтириш, уларни сайлов жараёнларига ижобий қатнашишларини таъминлашдан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятдаги тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, миллий қадриятларни ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш воситаси бўлган маҳалла институтини ҳар томонлама юксалтиришда сайлов жараёни ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу боис ҳар биримиз ушбу сиёсий жараёнда фаол иштирок этиб, унга масъулият билан ёндашсак, кутилган натижага эришилади.

Абдураҳмон САФОЕВ,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи

[✓ Талқин]

Ипотека шартномаси

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш тартиби

КЎЧМАС мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартнома шу мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус томонидан тасдиқланиши лозим. Бундай шартномани нотариал тасдиқлаш пайтида нотариус ипотекага қўйилаётган мулк ипотекага қўювчи шахсга тегишли эканлигини, уни бошқа шахсга ўтказиш тақиқланмаганлиги ва хатланмаганлигини, бошқа ипотекага қўйилган ёки қўйилмаганлигини, қарзлари йўқлигини, ипотекага олувчи ва ипотекага қўювчи юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқатларини, жисмоний шахсларнинг шахсини ва вакилларнинг ваколатларини текширади.



Кўчмас мулк, шу жумладан, биноолар, иншоотлар, кўп квартирали уйлардаги квартиралар, корхоналар, бошқа мулкий мажмуалар, юридик ва жисмоний шахслар мулки бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек, уйлар улар жойлашган ер участкалари билан бирга, қонунда кўчмас мулк жумласига киритилган ва уларга бўлган ҳуқуқлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган бошқа мол-мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин.

Хусусийлаштирилган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ипотекага қўйилганда, шу уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмида доимий прописка қилинган ва хусусийлаштиришда қатнашиб розилик берган шахсларнинг нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган розилик аризалари бўлиши шарт.

Агарда ипотекага қўйилаётган турар-жойда доимий прописка қилинган шахслар вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган бўлса, тегишлича уларнинг қонуний вакиллари ёки васийлик ва ҳомийлик органларининг ёзма розилиги талаб қилинади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ нотариус томонидан бошқа ҳужжатлар ҳам сўралиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари нотариал ҳаракатни амалга ошириш юзасидан мурожаат этса, тегишли маълумотномалар ва юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари нотариус томонидан тегишли давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан идоралараро сўров орқали олинади.

Ипотека шартномасини тасдиқлашда давлат божи шартномаси суммасидан, яъни ипотекага қўйилаётган нарсанинг баҳосидан олинади ва нотариус ипотекага қўйилган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўяди.

Ипотека нарсасини алмаштириш заруряти туғилган ҳолларда, ипотека нарсаси ипотекага олувчининг розилиги билан алмаштирилади. Нотариус ипотекага олувчининг ипотека нарсасини алмаштиришга розилиги ҳақидаги юридик шахснинг ёзма шаклдаги хабарномаси (бошқа тегишли ҳужжатлар), жисмоний шахснинг нотариус ёки Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари томонидан шаҳодатлантирилган аризаси асосида ипотека нарсасини алмаштириш тўғрисида битимни тасдиқлайди.

Гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш муносабати билан ипотека шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақида ҳам битим тузилади.

Ипотека шартномаси бўйича ипотека нарсасини алмаштириш ёки гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш муносабати билан ипотека шартномасига ўзгартириш киритиш ҳақида битим тузиш суғурта шартномаси ва суғурта полиси, асосий мажбурият тўғрисидаги шартнома бўйича ипотека нарсасини алмаштириш ёки гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддатини узайтириш ҳақида ипотекага қўювчи ва ипотекага олувчи ўртасида тузилган қўшимча битим талаб этилади. Ушбу ҳужжатлар ипотека шартномасига қўшиб тикилади. Бу ҳақда реестрга ва алифбо китобига ёзиб қўйилади.

Муомаладан чиқарилган ва тасарруфдан чиқарилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас. Қонун ҳужжатларида мажбурий хусусийлаштирилиши назарда тутилган ёки хусусийлаштирилиши тақиқланган ёхуд чекланган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлари ҳам ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Бахтиёр ТУРҒУНОВ,
Тошкент вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Ҳуқуқий маслаҳатхона

— ТУРМУШ ўртоғим билан 7 йилдан буён қонуний никоҳдан ўтиб бирга яшаяпмиз, бироқ фарзандимиз йўқ. Оилам бут бўлиши учун опамнинг боласини асраб олмоқчиман. Шу масалада қаерга мурожаат қилишим лозим ва қандай ҳужжатлар тақдим этилади?

Б.ШАРИПОВ, Бухоро шаҳри

— Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 151-моддасига мувофиқ сиз фарзандликка олиш ҳақидаги аризангиз билан васийлик ва ҳомийлик органига мурожаат қилиб, васийлик ва ҳомийлик органларининг фарзандликка олишнинг асослилиги ва фарзандликка олинаётган бола манфаатларига тўғри келиши ҳақидаги хулосасини олган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилишингиз лозим.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар алоҳида иш юритиш тартибда, фарзандликка олувчилар, васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек, прокурор иштирокида суд омонидан кўриб чиқилиб, тегишли қарор чиқарилгандан сўнг ушбу қарор қонуний кучга кирган кундан бошлаб ўн кун ичида фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлимига мурожаат қилиб, фарзандликка олинаётган боланинг туғилишни қайд этиш дафтарига тегишли ўзгартиришлар киритилади.

Саволга Бухоро вилоят Вобкент туман ФҲДЁ бўлими мудири Нусрат ЖАХОНОВ жавоб берди.

[✓ ЮОМОМда давра суҳбати]

Қиёсий – ҳуқуқий таҳлил

ЮРИСТЛАР малакасини ошириш маркази томонидан 2015-2017 йилларга мўлжалланган давлат илмий-техника дастури бўйича "Интеллектуал мулк ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил" номли илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатида олимлар, мутахассислар ва адвокатлар иштирок этди.

Бугунги кунга келиб, республикамиз томонидан интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш соҳасида 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро ва 17 та идоралараро шартнома ва битимлар тузилган. Айни вақтда мамлакатимизда интеллектуал мулк ҳуқуқини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган мустаҳкам миллий қонунчилик базаси яратилган.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар бюджет маблағлари ҳисобига яратилган интеллектуал мулк объектларини тижоратлаштириш тизимини кенгайтириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат бюджети ҳисобига ёки давлатнинг улушли иштирокида амалга ошириладиган илмий-техникавий фаолият натижаларига бўлган ҳуқуқлардан хўжалик юритувчи субъектлар манфаатдорлигини ошириш, интеллектуал мулк объектларини яратишга инвестиция жалб этишни рағбатлантириш ишини йўлга қўйилиши долзарб масалалардан эканлигига эътибор қаратишди. Шунингдек, бу борадэ вазирликлар ва идоралар вакилларини интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш масалалари бўйича ўқитиш ва малакасини ошириш лозимлиги ҳам таъкидланди.

Ўткир ЖАЛОЛОВ,
Юристлар малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи

[✓ Қонун доирасида]

Ижро интизомига

риоя қилмаган эди

АНДИЖОН ВИЛОЯТ адлия бошқармасига 2016 йил 1-чораги давомида тадбиркорлик субъектларидан 43 та ариза ва шикоят (шундан 3 таси ҳукумат портали орқали) келиб тушган бўлиб, 8 та мурожаат ижроси юзасидан бевосита жойига чиқиб ўрганилиб, натижасига кўра, 34 та мурожаат ижроси ҳал этилиб, 17 таси тўлиқ қаноатлантирилган.

Жумладан, Хўжаобод туманида фаолият юритаётган "Хожимурод" хусусий корхонаси раҳбари М.Ибрагимовнинг бошқармага Хўжаобод туман ҳокимлигининг масъул ходимлари томонидан ижро интизомига риоя қилинмаётганлигидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Натижаси бўйича ижро интизомига амал қилмаган Хўжаобод туман бош архитекторига нисбатан баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судига юборилди. Суднинг қарорига асосан А.Хожиматовга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 1 баробари миқдорида жарима жазоси тайинланди ҳамда туман ҳокимлигига тақдимнома киритилиб, ҳокимнинг биринчи ўринбосарига "ҳайфсан" интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари, Андижон шаҳрида фаолият юритаётган "O'Z TONG XONG KOMPANI" қўшма корхонаси бош директори Д.Мамажоновнинг аризасини ўрганиш натижаси юзасидан Андижон вилоят хўжалик судига "Андижон иккиламчи қора металл" шўъба корхонасидан 196.961.782 сўм асосий қарз ва 35.426.706 сўм пеня ундириш ҳақида даъво ариза киритилиб, суднинг 2016 йил 17 февралдаги ҳал қилув қарори чиқарилиб, даъво қаноатлантирилди.

Нодирбек ТУРАХАНОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Уруш ҳақида кичик ҳикоялар

Урушнинг охирги одами

ЎТГАН йили Хотира ва қадрлаш кунида, байрамда ҳамқишлоғимиз Тали ота қазо қилди. Ҳамма уни "Фронтовик бобо", деб атарди. Урушга борган боболаримиздан битта-ю-биттагина бўлиб Тали ота қолган, бошқалар тириклар сафини бирин-кетин ташлаб кетишган эди.

Қабристонда одам тумонат. Урушнинг сўнгги одамини охиратга кузатишмоқда.

— Халойиқ, бобомиз қандай одам эди?! — овоз берди Мардон оқсоқол.

— Яхши эди, ҳалол эди!, — гуриллади халойиқ.

Қабристонда сукут чўкди.

Шунда жимликни Холли девонанинг ҳайқириғи бузди:

— Одамлар!!! Тали отамиз лаънати урушни ўзи билан олиб кетгани чин бўлсин! Одамлар ер юзидаги ҳамма урушлар Тали отамиз билан бирга кетгани чин бўлсин!!!

Одамлар бир чайқалиб тушди.

Жавоб

— Уруш нима?

— Урушда мен танкни кўтарганман, — жавоб берди қизғалдоқ.

— Урушда мен ўқнинг қуш каби учмаслигини ҳис қилганман, — жавоб берди яраланган аскар.

— Уруш... Уруш... Мен отамдан олдин ўлганман, — жавоб берди аскарнинг қабри.

Она-Ер

Агар замбараклар фақат мушак отганда эди, менинг илматешик бағримда илдиз урган хотира дарахти япроқлари кимларнингдир исмини айтиб шивирлаб-шивирлаб йиғламас эдилар.

Ёзув

Қизалоқ олти ёшда.
Дийдаси тош эди.
Деразадан ташқари қаради.
Кўчада уруш.
Пардани тортди.
Оғир-оғир юриб стол ёнига келди. Тик турган алфозда оппоқ қоғозга ажи-бужи қилиб ёзди: "Кетдим. Уруш тугаса менга хабар беринглар. Қайтиб келаман..."

Қизни онаси олис-олисларга олиб кетди.

Вақт ўтди. Вақт учди. Ўша олис-олисларда бир қабр пайдо бўлди. Қабртошда ажи-бужи ҳарфлар билан шундай ёзилганди: "Кетдим. Уруш тугаса хабар беринглар. Қайтиб келаман..."

Устун

Сочимни олдириб келдим. Тап-тақир бошимга разм солиб отам хўрсинди.

— Кетаяпман, дегин.

— Кетаяпман, ота.

— Қаергалиги маълум бўлдими?

— Маълум. Афғонга дейишаяпти. Яна... ким билсин?

— Совуқ хабарнинг ёлғони бўлмайди. Демак, урушга кетяпсан...

Отам бошини сарак-сарак қилди. Оғир уҳ тортди — ўпкажигари узилиб кетгандай ихради.: "Ҳой бола-я, ҳой бола..." Ичидан бир ихроқ отилди. Устунга суяниб менга тош қотиб термилиб турди.

— Отамни уруш ўлдирганини биласан-а, — деди ниҳоят. — Уч ёшимда етим қолдим. Отам мени етим қилди. Лекин, лекин Сен мени етим қилма, болам,.. — Отам ўпкаси тўлиб ўкириб йиғлаб юборди.

Оёқ-қўлим бўшашиб, силлам қуриб, супага ўтириб қолдим.

Назаримда, шу устун бўлмаганда отам қулаб тушарди, назаримда, шу устун отамнинг бошидаги осмонни ҳам суяб турарди.

Урушга кетдим. Ўт-олов, ўқ ичида саргардон кезларимда қулоқларим остида бир ялинч жаранглаб турди: "...Сен мени етим қилма, болам!.." Госпиталда тиғ остида ётганимда ўша илтижо жаранглади: "Сен мени етим қилма, болам..."

Даҳшатли жанглар олдидан Парвардигорга ялиндим: "Эй, Худо, ўзинг асра, мен ўлмайин, отам етим қолмасин..."

Мен қайтдим. Мен бир урушни кўрдим. Отам икки урушни — мен ва отаси туфайли икки урушни кўрди. Тўғри, урушнинг катта-кичиги бўлмайди. Фақат бир нарса таскин беради: "Менинг урушим" отамни етим қилмади.

Худога шукр, отажоним ҳаёт! Умри узоқ бўлсин, саксон ёшга қараб юраяпти. Ҳовлимиз ўртасида ўша устун ҳали ҳам турибди. Яқинда мен устун атрофига тўртбурчак қилиб одам бели баробарида мармар девор тортдим. Мен бу ишни энди ҳеч ким устунга суянмасин, деган ўй билан қилдим. Чунки, устунни ағдариб ташлашга журъатим етмади. Чунки, у оғир кунда отамни суяган эди, мен отамга устун бўлолмаган кез устун отамга бир ўғилдай суянч бўлган эди.

Бир бурда нон

Умрининг сўнгги куни қазоси кўзига қир бўлиб кўринган дам кекса генерал ўғлини ёнига чақирди.

— Ота, Сен ҳали кўп яшайсан. Бу нима деганинг. Тобинг қочди, холос.

— Гапимга қулоқ сол, ўғлим...

— Йўқ, гапирма! Хоҳласанг бутун Воронежни остин-устун қиламан, Россияни оёққа турғизаман, анқонинг уруғи қўшилган дори-дармон бўлсаям топиб келаман, хоҳласанг, ҳозироқ чет элга олиб учаман, ўша ёқда даволатаман. Фақат ўлим ҳақида гапирма, жон ота...

Ўғлон йиғлаб тиз чўкди. Отасининг тўшакда тобора ҳолсизланиб бораётган титроқ қўлларини ўпди.

— Нима десам қиласан-а? — чол лаблари тамшаниб илтижоли боқди.

— Ҳа, ота! Айт. Фақат... фақат...

— Зоғора нон егим келяпти. Ўзбек тандирида қип-қизариб, қотиб пишган зоғора нон...

Ўғил ҳайратланиб қаради.

— Қирқ иккинчи йили хандақда ётганимизда лейтенант Шарапов ён чўнтагидан олиб берувди. Жуда лаззатли, чети бироз куйган, лекин жуда ширин, қотган, қип-қизариб пишган бир бурда нон. Зоғора нон.

Ўғилнинг ботинида бир ўкрик тўлғонди. Ота давом этди:

— Фарғона деган жой бор. Тоғ тагидаги қишлоқ. Тонг чоғи қуёш қишлоққа жуда яқинлашиб келаркан. Тоғдан шарқираб тушган Оқсой суви қишлоқни иккига бўлиб оқади. Одамлар ҳовли эшикларига қулф солишмайди. Ҳар бир хонадонда тандир бор. Ҳар бир уйда эрталаб тандир ёнади. Ҳар бир тандирдан офтоби нон чиқади — офтоб чиқади. Ана тимқора сочини занжир қилиб ўрган навниҳол, гўзал ўзбек қизи тандирга ўтни ташлаяпти. Ҳовлиларда ишкомларда саватдай-саватдай бўлиб узумлар осилиб ётибди. Боғларда мевалар ғарқ... Эй-эй, Шарапов, сенмисан оғайни!? Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Уҳув, ўзгармабсан-а. Юртинг чиндан ҳам эртақдагидай гўзал экан, биродар. Эй, бу зоғора нон-ку. Раҳмат оғайни, унутмабсан-а... Шу нонни соғинганимни қаердан билдинг, Шарапов.

Бемор генералнинг хаёли улоқди. Ҳамшира томирига укол урди. Укол таъсир қилмади. Чол яна алмойи-жалмойи гапириб алаҳсий бошлади.

— Шарапов, доим бир гапни кўп гапирасан: "Бир бурда нонга одамнинг қорни тўяди..." — дейсан. Ҳақ айтасан. Мана бир бурда нонга қорним тўйди-ку. Лекин... Одамзот нега шуни тушуниб етмайди? Нега одамзот бир бурда нонга қорни тўйса ҳам очкўзлик билан бир-бирини ғажийди. Уруш



қилади, Шарапов?! Агар буни тушунганда эди, ер юзи тинч бўларди, ер юзида уруш бўлмас эди... Сен билган оддий гапни бугун бутун дунё тушунишини истайман, Шарапов.

Чол жимиб қолди. Хонага оғир сукунат чўкди. Сўнг бир тўлғониб, хўрсинди, сўниб бораётган нигоҳини тепасидаги ўғлига тикди.

Олигарх титраб-қақшаб турарди. Генералнинг сўниқ чеҳрасида туйқус майин табассум ёйилди. Енгил нафас олиб:

— Бир бурда нон... Бир бурда нон ҳаммамизга етади, — деди ҳорғин ва титроқли овозда.

Бу унинг сўнгги гапи эди.

Этикчалар

Бу урушда этикчалар эгасиз қолди.

Аёл этикчаларни хона бурчагига олиб бориб қўйди.

— Қани ўгирилиб тур, — дея этикчалар тумшуғини деворга тақади.

Эгасиз этикчалар девор бурчида чорак соат турди.

Аёлнинг раҳми келди:

— Бошқа тўполон қилмагина, хўпми?! У этикчаларни кўксига босди. Сўнг стулчага олиб келиб қўйди:

— Қани, энди овқатингни еб ол!..

Аёл этикчаларга узоқ тикилиб турди. Нимадир ёдига тушгандай бўлди. Сўнг... сўнг... чинқириб йиғлаб юборди.

Этикчалар соҳибаси бор-йўғи олти ёшдагина эди.

Кўчқор НОРҚОБИЛ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – устувор вазифа

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Улуғбек МУҲАММАДИЕВ — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман):

— Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2015 йилдаги фаолияти юзасидан Олий Мажлис палаталарига тақдим этган ҳисоботи бешта муҳим йўналишни қамраб олди.

Хусусан:

— 2015 йилда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасида қабул қилинган концептуал қарорлар;

— мурожаатларни кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолият;

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш борасидаги фаолият;

— жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш соҳасидаги фаолият;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фаолият.

Президентимизнинг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, Вакил томонидан ҳуқуқни қўллаш амалиёти, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат ва маҳаллий дастурлар ижроси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли бўлган қонун лойиҳаларини фуқаролик жамияти институтлари билан кенг муҳокама қилиш механизмларини жорий этиш ҳамда ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ривожланган хориж амалиёти билан солиштириш таҳлилларини амалга ошириш, парламент назоратини янада кучайтириш борасида чоралар кўрилди. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган, жумладан, кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш бўйича ташкилий-ҳуқуқий комплекс чора-тадбирларини кўриш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш доирасини кенгайтириш, кекса ёшдаги фуқароларни пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш масалаларини амалга ошириш Вакилнинг диққат марказида бўлди.

2015 йилда фуқаролардан 12 минг 373 та мурожаат келиб тушди. Шундан, 1508 таси такрорий мурожаатдир. Мурожаатларни ўрганиш натижалари бўйича 6359 нафар аризачига уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини келгусида амалга ошириш масалалари бўйича оғзаки ва ёзма тавсиялари тақдим этилди, давлат бошқаруви органларига белгиланган тартибда моҳиятига кўра кўриб чиқиш ва натижалари бўйича аризачиларни хабардор қилиш учун 3237 та мурожаат юборилди, 2742 та мурожаат бевосита Вакил томонидан кўриб чиқиш учун иш юритувига олинди, 92 та мурожаат жойларга чиқиб ўрганилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш жараёнига жамоат ташкилотлари, Вакил ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича Комиссия аъзолари, соҳа олимлари, мутахассислар ва экспертлар жалб этилди.

Ботир МАТМУРОДОВ — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси:

— Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг энг асосий ва муҳим йўналишларидан бири бу — фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш асосида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Омбудсманнинг 2015 йилдаги фаолияти юзасидан тайёрланган ҳисоботида инсон ҳуқуқларининг ҳар бир йўналиши, яъни шахсий, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва экологик ҳуқуқлар бўйича келиб тушган мурожаатларга оид маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда сенат аъзолари эътиборига ҳавола қилинди.

Ўтган йил мобайнида Вакил, унинг ўринбосари, котибият ходимлари томонидан ўтказилган шахсий қабул давомида 1690 та, Минтақавий вакиллари томонидан эса 365 та мурожаат қабул қилинган. Оғзаки мурожаат ҳуқуқидан 1231, электрон мурожаат ҳуқуқидан 296 нафар шахс фойдаланган. Мурожаатларнинг умумий сонига нисбатан чет элдан келиб тушган мурожаатлар 366 тани (3 фоиз) ташкил этган.

Бундан ташқари, Вакил ҳисобот йилида қонун ҳужжатлари лойиҳаларига инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан берган таклифлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган 15 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳаларига берилган таклифларнинг аксарияти инобатга олинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг **"Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"**ги, **"Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"**ги, **"Электрон ҳукумат тўғрисида"**ги қонунларнинг ишлаб чиқилиши, Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилган ўзгартишлар жараёнларида ўзининг бир қатор таклифли билан фаол иштирок этган.

Омбудсман фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши бўлган аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш масаласида бир қатор амалий ишлар қилинган. Хусусан, Адлия, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудларида 30 дан ортиқ давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказилган.

Шунингдек, ҳисобот даврида Омбудсман томонидан Ўзбекистон Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида тадбирларни ҳамкорликда амалга ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул юридик ёрдам кўрсатишни назарда тутувчи Меморандум имзоланганлиги ва унинг доирасида қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш борасида бир қатор тадбирларнинг амалга оширилиши режалаштирилганлиги сенат аъзолари томонидан ижобий баҳоланди.

Шоҳида АРИПОВА — Сенат аъзоси:

— Таъкидлаш жоиз, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўтган йиллардаги каби 2015 йилда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш нуқтаи назаридан самарали фаолият олиб борган. Хусусан, пенсия тайинлаш ва тўлаш масалалари билан боғлиқ мурожаатлар 2015 йилда 620 тани ташкил этган. Ушбу мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича 389 нафар фуқаронинг мурожаатлари қаноатлантирилган ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари тикланган. Фуқароларнинг бу борадаги бузилган ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда уларни тиклаш юзасидан олиб борилган кенг қамровли ишлар бўйича эришилган натижалар ҳисобот даврида Омбудсман фаолияти қўламининг кенгайганлигидан ва самарали бўлганлигидан далолат бермоқда.

Омбудсман 2015 йилдаги фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласига алоҳида аҳамият қаратганлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Вакил томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик ўрнатилган. Фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида 5 та Меморандум имзоланган. Омбудсман томонидан 2015 йил давомида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний", "Соғлом авлод учун" жамғармалари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Касаба уюшмалари Федерацияси, Адвокатлар палатаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий Ассоциацияси ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда фуқароларни манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасида кўплаб тадбирлар ўтказилган. Ҳисобот йили давомида Вакил томонидан жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 419 та мурожаат кўриб чиқилди. Вакил тавсиясига биноан аризачилар ва уларнинг оила аъзолари жамоат ташкилотлари томонидан ташкил этиладиган маънавий-маърифий тадбирларга ва ижтимоий-иқтисодий дастурларга жалб этилди.

Нигора РАББИМОВА — Сенат аъзоси:

— Омбудсман институтининг жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш соҳасидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Сабаби қонун устуворлигини таъминлаш аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксаклиги билан чамбарчас боғлиқ. 2015 йилда айнан мана шу йўналишда Омбудсман Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда "Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият асоси, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали амалга оширишнинг кафолатлари" мавзуидаги республика давра суҳбати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан ҳамкорликда "Ёшларда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш ва ҳуқуқий маърифат ишларини янада такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари" мавзуида масофадан туриб (селектор) семинар-йиғилишларини ўтказган. Ушбу тадбирлар давомида республика ҳудудларида ҳуқуқий таълим соҳасида фаолият юритувчи мутахассисларга ёшлар ўртасида маърифий фаолиятни ташкил этиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш, замонавий интерфаол ўқитиш усулларини жорий этиш бўйича тавсиялар берилган. Мазкур тадбирлар жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини, ўсиб келаётган авлоднинг фуқаролик онгини оширишга амалий таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, республика ҳудудларида Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси (Германия) билан ҳамкорликда ўтказилган "Фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасида қонунчилик ва амалиёт: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси" мавзуидаги минтақавий семинарлар муҳим аҳамият касб этди. Тадбирларда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, Омбудсман институтининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга доир масалалар батафсил ва ҳар томонлама муҳокама этилган мазкур тадбирда Германиянинг бу борадаги тажрибаси ҳам ўрганилди. Бу тадбирларда сенат аъзолари ҳам фаол иштирок этишди.

Вакил томонидан ташкил этилган "Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўзаро ҳамкорлиги" мавзуидаги илмий-амалий конференция ҳам "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" доирасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг **"Ижтимоий шериклик тўғрисида"**ги Қонунини амалиётга жорий этиш бўйича комплекс таклифларни ишлаб чиқишга хизмат қилди. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини ошириш борасидаги ишлар доирасида марказда ва жойларда 30 дан ортиқ турли тадбирлар, анжуман, давра суҳбатлари ва семинарлар давомида 84 та чиқиш ташкил этилган, босма нашрларда 35 та мақола, электрон ОАВ, янгиликларга оид телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда эфирга 24 та интервью ва 16 та репортаж узатилган.

Гавҳар АЛИМОВА — Сенат аъзоси:

— Мен Омбудсманнинг 2015 йилдаги ҳисоботида қайд этилган инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фаолияти ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Вакил Халқаро Омбудсман институти, Европа Омбудсман институти ва Осиё Омбудсманлар ассоциацияси аъзоси ҳисобланади. Вакил томонидан хорижий Омбудсманлар билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган бўлиб, Швеция, Испания, Португалия, Польша, Жанубий Корея, Словакия, Болгария, Латвия, Россия ва Озарбайжон шулар жумласидандир.

Таъкидлаш керак, Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш Вакил фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Ушбу фаолият БМТ ва ЕХҲТ халқаро шартномалар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси маърузаларини тайёрлашда иштирок этиш, халқаро ва минтақавий ташкилотларда аъзолик доирасида хорижий Омбудсманлар билан кўп томонлама алоқаларни ривожлантириш, халқаро форумлар, чет эл делегацияларини қабул қилишда иштирок этиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар ва хорижий ҳамкасблар мурожаатларини кўриб чиқиш орқали амалга оширилган. 2015 йилда Вакил томонидан Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказга Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг амалга оширилиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Тўртинчи даврий маърузаси ва Аёлларга нисбатан камситилишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенциясини амалга ошириш бўйича Бешинчи даврий маърузаси тайёрланишида инсон ҳуқуқларига доир маълумотлар тақдим этилди. Бундан ташқари, Вакил томонидан хотин-қизлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг таъминланиши ҳолатига бағишланган Мукобил доклад ишлаб чиқилган ва БМТнинг Аёллар камситилишига барҳам бериш қўмитасига юборилган.

Халқаро жамоатчиликни Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий демократик институтлар фаолияти билан таништириш мақсадида Вакил:

— "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоясини таъминлаш — мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг энг муҳим йўналиши: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуидаги халқаро давра суҳбатини ташкил этишда иштирок этган;

— "Ҳокимият бўғинлари бўлиниши тамойилини амалга ошириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Конституциявий суднинг роли: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси" ва "Муносиб меҳнат шароитларига оид фуқаролар ҳуқуқлари кафолатини таъминлашда касаба уюшмалари роли: Ўзбекистон тажрибаси" мавзуларидаги халқаро форумларда маърузалар билан қатнашган.

Чет элдаги Омбудсманлар билан шериклик муносабатларини чуқурлаштиришга Вакилнинг қуйидаги расмий ва ишчи ташрифлари хизмат қилди:

— Франция Республикасига ташриф давомида Франция ҳуқуқлари Ҳимоячиси (Омбудсман), ТИВ, Сенат, Миллий Ассамблея ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан 10 дан ортиқ тадбир ва учрашувлар ўтказилган; — Озарбайжон Республикасига "Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда давлат ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигининг роли" мавзуидаги Халқаро Баку конференцияси ишида иштирок этган.

2015 йил давомида Вакил ҳузурига бир қатор расмий делегациялар, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюришган. Хусусан, ҳисобот даврида Франция, Германия, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Фавқулодда ва Мухтор элчилари, БМТ Тараққиёт дастури, БМТ Болалар фонди (ЮНИСЕФ), К.Аденауэр номидаги фонд ваколатхоналари раҳбарлари, ЕХҲТ лойиҳалари Координатори ҳамда БМТ, ЕХҲТ экспертлари ва Франция Республикаси парламенти делегацияси билан учрашувлар ўтказилган.

Хулоса қилиб айтганда, юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларга асосланган жамиятда инсон қадри баланд, шаъни азиз бўлади. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш доирасида Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда парламент назоратини амалга ошириш борасидаги фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, **"...фақатгина ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади ва шундай тартиб сақланади, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, энг асосийси, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси амалда таъминланади".**

Давра суҳбатини журналист Арслон ЭШМУРОДОВ тайёрлади.

Адлия аралашгач...

Маблағлар ундириб берилди

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан фермер хўжаликлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида муайян ишлар қилинмоқда.

Ўтказилган ўрганишлар ва мониторинглар натижаларига кўра, тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларда мурожаатларни кўриб чиқиш ва шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилиб, фермерларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланмоқда.

Масалан, бошқарманинг иш режасига асосан жорий йилнинг январь ойида "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти Жиззах вилоят худудий филиали ва унинг тизимидаги пахта тозалаш корхоналари фаолиятида мониторинг ўтказилди, мониторинг жараёнида 496 та фермер хўжалигининг 2015 йил пахта ҳосилидан 90 фоизи ҳақдорлиги мавжудлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан 2016 йил 22 январда фермер хўжаликларининг ҳақдорликларини ундириш юзасидан вилоят хўжалик судига 496 та 5 миллиард 161 миллион сўмлик даъво аризаси киритилди ҳамда 496 та фермер хўжалигига 5 миллиард 132 миллион сўмлик пул маблағлари ундириб берилиши таъминланди.

Шунингдек, бўлим томонидан жорий йил давомида фермер хўжаликларининг шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга доир мурожаатлари кўриб чиқилиши натижасида тегишли тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотларга 17 та тақдимнома, хўжалик судларига 7 та 1 миллиард 36 минг сўмлик даъво аризаси киритилди.

Киритилган тақдимномалар натижасида тегишли туман ҳокимликларининг қонунга номувофиқ 5 та қарори бекор қилинди, фермер хўжаликларининг 1 миллиард 700 миллион сўм пул маблағлари тўланиши таъминланди.

Илҳом БЎРИБОЕВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

Халқ мулкини сақлаш

"Қўриқлаш" хизматининг асосий мақсади

МИЛЛИЙ матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси томонидан "Турли мулкчилик шаклидаги моддий-товар бойликларни ишончли қўриқлаш борасида ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаларининг олдидаги долзарб масалалар" мавзуига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Анжуманда замонавий қўриқлаш ва хавфсизлик воситаларини татбиқ этиш натижасида мазкур хизматнинг сифат ва самарадорлиги тубдан яхшиланиб, шахсий таркибнинг жанговар ва касб тайёргарлиги ошиб бораётганлиги ҳақида сўз юритилди.

Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида республикамизнинг қўриқлаш хизматларига 1700 дан ортиқ янги объектлар ва 1200 га яқин хонадонлар топширилган. Айни пайтда қўриқловга олинган объектларнинг олтмиш фоизидан ортиғи техник қўриқлаш пунктларига уланган. Шунингдек, техник қўриқлаш пунктлар қўриғида 8,8 мингдан ортиқ хонадонлар ҳам бўлиб, уларни энг илғор замонавий технологиялар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур тадбирда иштирокчиларга қўриқлаш хизмати фаолияти тўғрисида видеоролик намойиш этилди ва журналистларни қизиқтирган саволларга соҳа мутахассислари томонидан батафсил жавоблар берилди.

Элмурод ҚЎЗИЕВ,
"Қўриқлаш" бирлашмаси ИХҲҚ ва ЮТБ Матбуот гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант

Ришта

Қуда бўлдик — жудо бўлдик

Ёхуд қариндош-уруғларнинг қудачилиги айрим ёшлар бахтига зомин бўлмоқда

— ОТАЛИК ҳурматим бўлса гапни кўпайтирмай, опангнинг ўғлига қизингни бер. Биздан кейин узилиб кетмайсизлар. Кўзим очиқлигида набирараримнинг тўйини кўрай. Онанг билан иккимизнинг ёшимиз бир жойга бориб қолди. Опа-ука, қуда-андалик қилиб, бир-бирларингга суянчиқ бўлиб яшанглар, — дея отахон юзига фотиҳа тортди.

...Орадан бир неча йил ўтди.

Отасининг сўзини икки қилмай, яхши ният билан опасига қуда бўлган укانинг эзгу саъй-ҳаракати зое кетди. Ёшларнинг юлдузи юлдузига тўғри келмай, яъни яқин қариндошлиги туфайли ўртада фарзанд бўлмаганлиги натижасида ажрашишди.

Тўғри, айримлар айтиши мумкин, биз яқин қариндошлар қуда бўлганмиз, муаммомиз йўқ деб. Лекин аксарият қариндошларнинг қудачилиги узоққа чўзилмаяпти.

Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, яқин қариндошларнинг қудаанда бўлиши ёшлар ўртасида фарзандсизликдан ташқари, болаларнинг носоғлом туғилишига ҳам сабаб бўлади.

Шунингдек, баъзи отаоналар қизи ҳали вояга етмасдан турмушга беришга шошилишади. Бироқ ҳаётнинг пасту баландидан бехабар турмуш, оила, деб аталмиш мураккаб имтиҳонга тайёр бўлмаган келинчак ҳам маънан, ҳам жисмонан қийналиб, соғлигини йўқотади. Энг ачинарлиси, соғлом фарзанд кўриши гумон бўлиб қолади.

Давлатимиз томонидан 2016 йил "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилинди. Зеро, бундан кўзланган мақсад она соғлом бўлса, фарзанд ҳар томонлама баркамол бўлади.

Бизнинг ФҲДЁ бўлимимиз ҳам "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини бажариш мақсадида шаҳардаги коллеж ва лицей ўқувчи-ёшлари ўртасида эрта турмуш қуриш ва қариндош-уруғлар билан тузиладиган никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида тарғибот тадбирлари ўтказиб келмоқда.

Ушбу тарғибот тадбирлари натижасида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олди олинишига ҳамда соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилинишига эришилмоқда.

Ситора РАШИДОВА,
Каттақўрғон шаҳар ФҲДЁ бўлими мудираси

Эълонлар

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 20 апрелдаги буйруғига асосан бошқармадан 2011 йил 11 мартда KS 000143-серия рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олган Деҳқонобод туманидаги "Адолатпарвар ҳақиқат" адвокатлик фирмаси адвокати Ҳандалов Юсуп Нормирзаевичга тегишли бўлган 153-сонли адвокатлик гувоҳномаси ярроксиз ҳолга келганлиги сабабли амал қилиши тугатилди ва унга янги 303-сонли адвокатлик гувоҳномаси берилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 апрелдаги буйруғига асосан Қарши шаҳридаги "Ҳимоя сўзи" адвокатлар ҳайъати адвокати Очилова Рахима Юсуповнага бошқарма томонидан 2009 йил 2 июнда берилган KS 000148-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва 156-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Қашқадарё вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 15 апрелдаги 85-ум-сонли буйруғига асосан Қарши шаҳрида фаолият кўрсатиб келган "Femida Viktoriya" адвокатлик бюроси тугатилганлиги ва давлат реестридан чиқарилганлиги маълум қилинади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 21 апрелдаги 138-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SHAFQAT" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Саттаров Нозим Нарзиевич вафот этганлиги сабабли унинг номига бошқарма томонидан 2014 йил 16 августда берилган SA 000454-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 18 апрелдаги 135-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "QOMUS" адвокатлар ҳайъати адвокати Шукурова Замира Джалиловна ва "SAMARQAND QONUNCHILARI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Ахмедов Мардон адвокатлик мақоми тўхтатиб турилган 3 ой давомида адвокатлик фаолиятига киришмаганлиги сабабли уларнинг номига бошқарма томонидан 2009 йил 12 июнда берилган SA 000215-сонли ва SA 000250-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 19 апрелдаги 136-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "TENGLIK NURI" адвокатлар ҳайъатининг адвокатлари Мирзаев Кулдош Данабаевич ва Исаков Мамарауф Разакович номига бошқарма томонидан 2009 йил 9 июнда берилган SA 000160-сонли ва 2009 йил 12 июнда берилган SA 000239-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларнинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тикланди.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 14 апрелдаги 108-ум-сонли буйруғига асосан "Муборак Якубова" адвокатлик бюроси адвокати Якубова Муборак Аминовнага бошқарма томонидан 2009 йил 10 июнда берилган HZ 000028 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Учқўприк туманидаги "NAJOT" адвокатлик фирмаси адвокати бўлган Халилов Абиджон Адилович *(лицензия 13.02.2015 йил, FE 000287, адвокатлик гувоҳномаси №361, 26.03.2015 й.)* адвокатлик тузилмасидан чиққанлиги сабабли Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуни 13¹-моддаси, 1-қисмининг 6-бандига ҳамда Фарғона вилоят адлия бошқармасининг 2016 йил 20 апрелдаги 144-ум-сонли буйруғига асосан адвокат мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунни 16-моддасига асосан "NIZAM USTINLIGI" адвокатлар ҳайъати адвокати Ермекбаев Бауыржан Амантаевичга вазирлик томонидан 2016 йил 15 январда берилган QR №000189-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия ва адвокатлик мақомининг амал қилиши Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирининг 2016 йил 20 апрелдаги 108-ум-сонли буйруғига асосан тугатилди.

Реклама

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк

2016 йил — "Соғлом она ва бола йили", деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

"СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА"

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда "Асака" банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- *солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

"Асака" банк — сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

AGROBANK

Ишончли ҳамкорлик

фаолият ривожида қўл келмоқда

БУГУНГИ КУНДА мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозор талабларига мослигини таъминлаш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, шу орқали иқтисодиётимизни янада тараққий эттириш, модернизация ва диверсификация қилиш борасида аниқ тизим асосида ишлар олиб борилаяпти.

Бу борада банк-молия муассасалари ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иш олиб бораётганлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Ана шу жараёнда "Агробанк" АТБнинг Сурхондарё вилоят бошқармаси ва филиаллари томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ҳам фикримиз далилидир. Банк бошқармаси томонидан ишбилармон-тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда ва бу борада кредит маблағлари йўналтирилаяпти. Бунинг натижасида ҳудудларда замонавий мини ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари сони янада ошмоқда. Шунингдек, оилавий, хотин-қизлар ҳамда ёшлар тадбиркорлиги кенгаймоқда. Қўшимча янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда. Буларнинг барчаси халқимизга муносиб турмуш шарт-шароитлари яратиш, обод ва фаровон ҳаётни бунёд этишдаги саъй-ҳаракатларда мужассам бўлаётир.

— Ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали мамлакатимизнинг қайсидир гўшасида янги ишлаб чиқариш мажмуаси ёки қайсидир тадбиркоримиз етиштирган маҳсулотини экспортга йўналтираётганлигидан хабардор бўламиз. Буларни кўриб, албатта, қувонасиз. Юртимизда бўлаётган бу каби кенг кўламдаги бунёдкорликлардан дилингиз яйрайди. Шу кунларга етканингизга шукроналар айтасиз, — дейди "48-АТК" МЧЖ раҳбари Қулсоат Каримов. — Ана шундай асрий ўзгаришлар қалбимизни доимо тўлқинлантириб туради. Ўзимизни янги марралар сари чорлайди. Шу сабабли ҳам мен тадбиркорликка қўл урдим. Шу орқали юртга нафим тегаётганлигидан ғурурланиб юраман. Бу йўлда тижорат банклари ҳам ишбилармонларнинг яқин суянчи ва таянчига айланиб улгурди. Истиқболли бизнес ишланмани ҳаётга татбиқ этишда банклар доимий ҳамкорликка тайёр. Жамиятимиз "Агробанк" АТБнинг Жарқўрғон филиали билан 2004 йилдан буён ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда. Ушбу банкнинг кредитлари фаолиятимизнинг ривожланишида асқатмоқда. Туманда аҳолининг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзимизда ишлаб чиқарилаётган "ISUZU" автобусларини сотиб олиш учун бизнес-режа ишлаб чиқиб, мазкур банк филиалига тақдим этдик. Натижада лойиҳамга асосан 197,5 миллион сўм кредит маблағи ажратилди. Шунингдек, 7 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирда корхонамиз аҳолининг узоғини яқин қилишда ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бундан тумандошларимиз мамнун.

— Баҳор келиши билан бободеҳқонларимиз ғимирлаб қолади. Эртанги кун насибасини бугунги қилаётган меҳнати самарасидан кўради. Ҳозирда юртимизнинг боғу роғларига, қир-адирларига, дала-ю даштига боқинг, деҳқонларимиз мўл-кўл ризқ-рўз яратиш, обод ва фаровон юртга тўкинлик олиб кириш борасида енг шимариб, меҳнат қилмоқда, — дейди "Ашраф Фирдавс" фермер хўжалиги раҳбари Шуҳрат Эшов. — Бу каби юмушларда фермер хўжалигимиз аъзолари ҳам ҳормай-толмай ишлаяпти. Буларнинг барчаси, аввало, юртимиз тинчлигидандир. Ана шундай бунёдкорлик ишларида ҳар соҳа вакиллари фаол иш олиб бораётир. Буни тижорат банклари томонидан олиб борилаётган ишларда ҳам кўришимиз мумкин. Ўзимдан қиёс. Фаолиятимизни кенгайтириш борасида кўпгина лойиҳалар устида иш олиб бордим. Тажрибали тадбиркорлар, банк мутахассислари билан ҳамкорликда ишладик. Бунинг натижасида тижорий лойиҳамиз, яъни аҳолининг сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшилаш ва наслли қорамол сотиб олиш борасидаги бизнес-режамиз ижобий баҳоланди. Шунга мувофиқ "Агробанк"нинг Сариосиё филиали томонидан 55 миллион сўм кредит маблағи олдик. Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 4 та янги иш ўрни яратилганлиги янада қувонарли бўлди. Келгусида фаолиятимизни ривожлантириш борасида режаларимиз кўп. Албатта, бу йўлда ҳам "Агробанк" билан яқин ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, "Агробанк" АТБ ўз олдига халқимиз турмуш даражасини ошириш, иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш каби устувор вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб қўйган. Ана шу йўлда банк жамоаси ўз билим ва тажрибасини ишга солиб самарали фаолият олиб бормоқда. Бу эса жаннатмонанд юртимизнинг янада обод ва фаровон бўлишига замин бўлаётир.

Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

Хизматлар лицензияланган.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Усманов Анвар Акрамович
Мамадалиев Зайниддин Очилович
Очилов Алижон Мухлисович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Навбатчи Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер базасида тарилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Ушбу сонда ЎзА суратларидан фойдаланилди.

Тиражи — 21837. Буюртма S-5827.

Топшириш вақти — 19:00
Топширилди — 19:00

МАНЗИЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буюк Ипак йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31
Обуна бўлими: 268-19-97

Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5